



Савол:

Ассалом алайкум! Менинг ҳаж амалига доир бир саволим бор!
Мутаматтиъ деб кимни айтилади илтимос шунга аниқлик киритиб
беринг. Аллоҳ сизлардан рози бўлсин!

Жавоб:

Ва алайкум ассалам ва роҳматуллоҳ.

Мутаматтиъ деб ҳаж ойлари (шаввол, зулқаъда ва зулҳижжанинг аввалги ўн куни)да умра билан ҳажга ният қилган одамга айтилади. Мутаматтиъ мийқотга етиб, эҳром кийганида “лаббайкаллоҳумма умратан” яъни умра эҳромига кирдим дейди. Қалбида аввал умра кейин ҳаж қилишни нийят қилади. Умра амалларини қилиб бўлгач, сочини қирдириб ёки қисқартирганидан сўнг (агар ҳаж кунлари яқин бўлса қисқартиргани яхшироқ, ҳажда қирдирса авлороқ бўлади, акс ҳолда ҳар иккисида қирдирса яхши) эҳромдан чиқади ва унга эҳром сабабли ҳаром бўлган ҳамма нарса ҳалол бўлади. Зулҳижжанинг 8-кунигача оддий кийимда таматтуъ (эҳромда ман қилинган нарсалардан эҳромдан чиққани учун фойдаланиб) қилиб юради. Саккизинчи куни ҳаж учун яшаб турган манзилидан эҳром боғлайди, мийқотга бориши шарт эмас. Сўнгра тартиб билан Ҳаж амалларини адо қилади. Қодир бўлса қурбонлик қилади, қодир бўлмаса қурбонлик ўрнига уч кун ҳаж кунларида ва етти кун уйга қайтганидан кейин, жами 10 кун рўза тутиб беради. Валлоҳу аълам